

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ**  
**ВАЗИРЛИГИ**  
**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БУХОРО МУСИҚА**  
**ФОЛЬКЛОРНИНГ ТАРИХИЙ-**  
**НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ**  
**МАСАЛАЛАРИ**

**Республика илмий-назарий анжуман материаллари**

**2020 йил 6 ноябрь**

**БУХОРО – 2020**

Бухоро мусиқа фольклорининг тарихий- назарий ва амалий масалалари // Республика илмий-назарий анжумани. Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2020 й. – 244 бет.

### **Анжуманнинг дастурий қўмитаси**

1. О.Х. Хамидов – университет ректори, раис
2. О.С. Қаҳҳоров – илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис ўринбосари
3. Б.Х. Мадримов – Санъатшунослик факультети декани, аъзо
4. У.М. Миршаев – Мусиқа таълими кафедраси мудири в.в.б., аъзо
5. С.Д. Дўстов – Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси п.ф.н. доцент, аъзо
6. Д.Ю. Рўзиев – Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси п.ф.н. доцент, аъзо
7. З. Алаева – Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси, котиба

### **Анжуманнинг ташкилий қўмитаси:**

1. Ж.Т. Ярашев- Мусиқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси Р.һ.д., аъзо
2. Т.И. Ражабов – Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси, аъзо
3. И.А. Қўшаев – Мусиқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси, аъзо
4. Ф.Г. Нуруллаев – Мусиқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси, аъзо
5. Т.Дж. Мухамедов – Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси, аъзо

### **Масъул муҳаррир:**

Б.Х.Мадримов, педагогика фанлари номзоди, профессор

### **Такризчи:**

Д.Ю. Рўзиев, педагогика фанлари номзоди, доцент

### **Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**

Б.Т. Жўраев

### **«Ha do'rsi» qo'shig'i**

Qo'shiq uzumni ezib, suvini ajratib olish va undan shinni tayyorlash jarayoniga bag'ishlanadi. Bu marosim bilan asosan xotin-qizlar shug'ullanganlar. Shuning uchun so'zlarda tokning tanasini bellariga, novdasini bilaklariga mengzaganlar

### **«Hay yor-yor qo'shig'i»**

Qo'shiqni qadimda asosan erkaklar bazm uyushtirib jo'r bo'lib, qarsak chalib kuylaganlar, har kupletini boshqa-boshqalar kuylab, naqoratini jo'r bo'lib ijro etganlar.

### **«Ho'p mayda» qo'shig'i**

Galagov qo'shiqlari turkumidan, g'allani o'rib olib, xirmon qilib, ho'kizlarni bir-biriga tamg'ab somonni yanchiganlar. Uzoq va zerikarli ishda albatta qo'shiq xirgoyi qilganlar. Maydayo qo'shig'i shu mehnat marosimi tufayli yaratilgan.

### **«Lolachaga ishim bor» qo'shig'i**

Erkaklar hazil mutoiba qo'shig'i. To'y marosimida ulfatlar eng bo'yi past do'stlarini o'rtaga olib, atrofida qarsak chalib qo'shiq kuylaganlar. O'rtada kichkina tizzalab o'tirib raqsga tushgan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, xalqning ma'naviy mulkiga bo'lgan shunday oqilona, insonlarcha munosabat xalq ijodining mahsullari to'y marosimlari, bayram va sayillarda ijro etiladigin qo'shiqlar, laparlar keng ommalashib boraveradi. Bizning vazifamiz esa, musiqa folklori janrlarining tabiat va tarkibida yuz beruvchi har bir o'zgarish hamda hodisalarning sabablarini, ularning ijtimoiy-tarixiy asoslarini, estetik mohiyatini o'rganishdan iborat bo'lib qolaveradi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Akbarov. I. " Musiqa lug'ati " Toshkent., «San'at» , 1987
2. Yunusov R.Yu. «O'zbek xalq musiqa ijodi». , 2 – qism. Toshkent.,2000
3. Qosimov Nozim. «Musiqa folklor ijrochiligi» o'quv qo'llanma. G'.G'ulom, «San'at» Toshkent 2000

## **БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБАЛАР МОҲИЯТИ**

*Ражабов Т., БухДУ ўқитувчиси*

Ислом олами шаҳарлари ичида 7 та шаҳар шариф мақомига эга бўлиб улардан 1- Маккаи Шариф, 2 -Мадинаи Шариф, 3- Боғдоди Шариф 4 - Куддуси Шариф, 5 -Шому Шариф, 6 -Мозори Шариф, 7 -Бухорои Шариф. Ва бу шаҳарлар ичида Бухоро ўзинг маданияти, урф одатлари, маданий ёдгорликлари, кийимлари, миллий таомлари, хунармандчилиги, Шашмақом, Бухорча Мавригиси, Қайроғу занг доира усуллари, олиму фузалолари, Ота боболаридан мерос бўлиб келаётган халқ оғзаки

ижодлари шу билан бирга бола тарбиялаши билан ўзининг мавқеиغا эга.

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Ҳозирги кунда халқ оғзаки ижоддини ривожлантириш мақсадида ҳукуратимиз томонидан кўпгина қарор ва фармонлар тасдиқланди, булардан **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 946-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан 2019 йил 5-10 апрел кунлари Термиз шаҳрида ўтказилган, тарихий аҳамиятга эга нуфузли "Халқаро бахшичилик санъати фестивали", 2019 йил 28-29 апрел кунлари Бойсун туманида ўтказилган "Бойсун баҳори" анъанавий Халқаро очик фестивалининг қарорлари мисол бўлади. Бу ўтказиладиган фестивалларни асосий мақсади унитилиб кетилаётган халқ кўшиқларини қайта тиклаш ва бу фольклор кўшиқлари орқали ёшларимизни тарбиялаш.**

Тарбия қанча мукамал бўлса халқ шунча бахтли яшайди дейди донишмандларимиз. Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиш, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб ўзгаларга тобе ва қул, аср бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ деб Абдурауф Фитрат бобомиз бебаҳо олтинга тенг сўзларни айтганлар. Ҳар бир инсон дунёга келар экан болалигидан бошлаб ўзи билмаган ҳолда катта одамларнинг эътиборидаги бир мўжизавий мавжудодга айланади ва қулоғига азондан кейин исми айтилади, сўнгра бешикка белаб алла айтилади, ўйнаши учун кўлига эътиборини қаратадиган овоз чиқарадиган ўйинчоқларни тутқазишади. Бола улғайиб овозларни илғая бошлаганидан унга овутомчоқ ва эркалатма кўшиқлар айтилади кейинчалик ҳар хил эртақ, шер, кўшиқлар, ўйинлар орқали халқ оғзаки ижодларини эшитиб ўрганиб улғая бошлайди. Дунёда болаларга алоҳида эътиборга лойиқ бўлган халқларда, бола учун махсус сўз намуналари яратилади, ўзбеклар ана шундай халқлар қаторидан муносиб ўрин олган.

Ўзбек халқи қадим замонлардан фарзандларининг маънавий ва жисмоний тарбиясига алоҳида эътибор қаратган. Ҳозирги кунга қадар мерос бўлиб келаётган болаларни тарбиялаш уни эркалаб овутиш учун ижро этилаётган кўшиқлар оммалашган, бу кўшиқларнинг асл мазмун мақсади болани туғилишидан ҳурмат сифатида сиз деб яхши сўзлар билан мурожаат қилиш бу сўзлар орқали уни келажак ҳаётда ота-онасига меҳрибон, ватанига содиқ, вафодор, манан етук инсон бўлиб етишига катта туртки бўлади. Шунинг учун ҳам Бухорои Шариф аёллари фарзанд тарбиясига каттиқ эътиборда бўлиб, дунёдаги барча яхши сўзлар ва ўзинг

дилидаги орзу умидларини кўшиқ орқали, фарзандларини эркалатиб овутишган.

Болалар фольклор кўшиқларини 20-асрнинг 20-йиллари ўрталарида таниқли рус фольклоршуноси Г.С. Виноградов илк бора фанга қўллаган, 60-йилларга келиб ўзбек фольклоршунослиги ҳам қўллана бошланди. Ота-боболаримиздан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган болалар фольклор кўшиқлари ўйин ва рақсларини келажак авлодларга етказиш бизнинг бурчимиздир. Болалар фольклор кўшиқларини тўплаш уни умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсларида қўллаш учун кўпгина олимларимиз тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Тадқиқот ишимизни Бухоро шаҳридан 8 км узоқликда жойлашган қишлоқлардан бири Кўчкумар қишлоғига олиб бордик, бу маскан одамларини меҳмон дўстлиги, ширин сўзлиги, инсонпарварлиги, меваларини ширинлигию фарзандларини билими билан Республикага танилган. 1930 йилда туғилган 8 та фарзанднинг онаси 30 дан зиёд невара эваранинг бувиси Атоева Махфират, у кишини қизлари 1955 йилда туғилган Рустамова Мухлиса онанинг айтишларича, болани тарбиялаш ва уни сир асрорларини, бола овутиш ва эркалатадиган кўшиқларни болаликдан бошлаб оналаридан ўрганган эканлар ва бу кўшиқларни ҳозиргача тўртинчи авлодлари ёддан ижро этиб келмоқда. Болалар фольклор кўшиқларини ёши улуғ инсонлардан ўрганиб, бу кўшиқларни нота ёзувига олиб ва ижро йўлларини ёшларга ўргатсак, бундай ноёб асарларни унитилиб кетишини олдини олган бўлар эдик. Ҳар бир бола чақалоқлигидан бошлаб меҳр билан айтилган халқ кўшиқларни тинглаб улғайса келажакда комил инсон бўлиб етишади. Бухорода ҳозирга қадар болаларни эркалаб уни овутиш учун кўпгина кўшиқлар ижроси мерос бўлиб келмоқда ва бу кўшиқларни ўзига хос ижро методлари бор, булар болани тиззасига қўйиб, ҳавога ташлаб олиб болани кулдириб ижро этадиган қизиқмачоқ, суйиш, қиқилламалардан иборат. Бола тарбиясида фольклор куй кўшиқлари жуда катта роль ўйнайди, бу болалар фольклор ўйин кўшиқлари, ўзига хос характер ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга.

Ҳадика-дикадикоси  
Магазини вискоси  
Олиб берсин дадаси  
Тикиб берсин онаси  
Кийиб юрсин боласи

Бозордан олдим поза  
Бунча бу бачча тоза  
Бу баччани тоза қилган  
Онаси ҳам озода

# Ha do`rsa - do`rsa, do`rsa

Xalq qo`shig'i  
To`xtasin Rajabov notaga olgan

$\text{♩} = 110$

Ha do`r - sa-do`r - sa, do`r - sa, O - ta - si bo-zor - ga bor - sa. Gosh - tu, bi-rinj kel-tir - sa - ye,

O - na - si pa-zan - da bo`l - sa. Gosh - tu, bi-rinj kel-tir - sa - ye, Bo - la - si xo` - ran - da bo`l - sa.

Tugatish uchun.

Bo - zor - dan ol - dim ma - yiz, Bun - cha bu bach - cha a - ziz. Bu bach - cha - ni

a - ziz qil - gan O - ta - si ham be - ta - miz. Be - ta - miz. Be - ta - miz.

Ha do`rsa - do`rsa, do`rsa,

Otasi bozorga borsa.

Go`shtu - birinj keltirsa - ye,

Onasi pazanda bo`lsa.

Go`shtu - birinj keltirsa - ye,

Bolasi xo`randa bo`lsa.

Ha dika - dika, dikosi,

Magazinni viskosi.

Olib bersin dadasi,

Tikib bersin onasi.

Olib bersin dadasi,

Kiyib yursin bolasi.

Bozordan oldim poza,

Buncha bu bacha toza.

Bu bachani toza qilgan,

Onasi ham ozoda.

Bu bachani toza qilgan,

Onasi ham ozoda.

Bozordan oldim mayiz,

Buncha bu bachcha aziz.

Bu bachchani aziz qilgan,

Otasi ham betamiz,

Betamiz, betamiz.

Кўшиқда, вискос материалининг соф мато пахтадан тўқилгани, боланинг ўсиши унинг юмшоқ танасига ҳаво олиши учун енгил ва кулайлиги айтилган. Поза бу қадимги оёқ кийими бўлиб, бунда боланинг тозаллиги, одоби унинг тарбияси оиланинг сарамжонлиги онага масъуллиги билан бирга кўшиқга ота-онанинг оиладаги ўрни унинг вазифалари кўрсатилган шу билан бирга кўшиқ тарбиявий аҳамиятга ҳам эга.

#### **Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент-Ўзбекистон-2018
2. Ражабов.Д, Ражабов.Т. Халқ кўшиғи ва мусиқа ижрочилиги. Тошкент "Наврўз" нашриёти. 2018
- 3.Сапаева.Т, Илясова.М. Фольклор тўғараги ўқув кўлланмаси. Тошкент . 2016.
4. Сафаров О, Очилов К. Бойчечак. Тошкент -1984

### **BOLALAR FOLKLYOR QO'SHIQLARINI O'RGANISHDA MILLIY MUSIQIY TA'LIMNING O'RNI VA AHAMIYATI**

*Raxmatullaeva G., BuxDU musiqa ta'limi 1-bosqich magistr*

Insonning shaxs sifatida shakllanishiga uning g'oyaviy, axloqiy, madaniy sifatlari katta rol o'ynaydi. Bu sifatlarni ta'lim - tarbiyaning barcha yo'nalishlari bilan chambarchas bog'liq bo'lib, estetik tarbiya bilan shug'ullanuvchi pedagogik tarbiyalar bu ishni umumiy uyg'un holda olib borish kerakligini unutmashliklari darkor.

Ayni paytda e'tirof etish joizki, o'zbek xalq musiqa merosi namunlarini barchasi ham estetik tarbiyaviy ahamiyatga molik bo'lmasligi, yoki yoshlar tarbiyasi uchun maqsadga muvofiq bo'lmasligi mumkin. Shuning uchun ham muayyan guruhning (maktabgacha yoshdagi bolalar, boshlang'ich sinf o'quvchilari, o'smirlar, talabalar va hokozo) qiziqishlari, ehtiyojlari, estetik saviyalari, mahalliy muhit va an'analarni qat'iy tarzda, e'tiborga olgan holda estetik tarbiya vositasi sifatida qo'llaniladigan xalq kuy - qo'shiqlarining mazmuni, o'quvchilar yoshi, dunyoqarashi va ijro imkoniyatlariga muvofiq tarzda muayyan pedagogik talablar asosida tanlab olish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Milliy g'oya va mafkura o'z mazmunida ma'naviy va madaniy me'rosimiz, milliy qadriyatlarimizni mujassam etadi. Madaniy va ma'naviy meros avlod-ajdodlarimiz tomonidan yaratilib bizgacha yetib kelgan bebaho hazinadir. Unda yosh avlod tarbiyasida foydalanish, shu orqali ularni ona vatanga, xalqimiz tarixi, tili, madaniyati, urf-odat va an'alariga muhabbat ruhida tarbiyalash ta'lim tizimi oldidagi o'z dolzarbligini yo'qotmaydigan vazifalardandir.

Karimov. I.A.o'zining “ Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch” asarida

## МУНДАРИЖА

<b>ХАМИДОВ О.Х.</b> Бухоро мусиқа фольклори – азалий ва абадий кадриятлар сарчашмаси	3
<b>І ШЎЪБА</b>	
<b>БУХОРО МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИ БОРАСИДАГИ ЁНДАШУВЛАРДА МУАММО ВА ЕЧИМЛАР</b>	
<b>АБДУЛЛАЕВ Р.</b> Халқ мусиқа ижоди номоддий маданий мероси сифатида	4
<b>МАДРИМОВ Б.</b> Ўқувчиларга эстетик тарбия беришда ўзбек мусиқа фольклорининг аҳамияти	7
<b>АВЕЗОВ Р.</b> Мавриги рақсларининг анъанавий ижроси	11
<b>ЮСУПОВ Д.</b> Фольклор ва кўғирчоқ театри	15
<b>RUSTAMOV V.</b> Joylarda havaskorlik jamoalarini tashkil etish uslubiyoti	18
<b>РЎЗИЕВ Д.Й.</b> Фольклор кўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари	22
<b>ҲАСАНОВ Ҳ.Р.</b> Халқ оғзаки ижодида – сўз санъатининг ўрни	26
<b>XIDIROV A.</b> Buxoro qadimgi saroy maktabida folklor uslublari tarixi	28
<b>SAIDIY S.B</b> Darvish Ali Changiy ta'limoti va zamondoshlari	30
<b>ISMOILOVA M.E</b> Buxoro “Buxorcha”si xususida	32
<b>NOROVA SH.U.</b> Musiqa madaniyati darslarida o‘quvchilarni xalq musiqasiga bo‘lgan qiziqishlarini shakllantirish metodlari	35
<b>НУРУЛЛАЕВ Б.Г.</b> Бухоро фольклор кўшиқлари халқнинг ижодий маъсули сифатида	38
<b>АЛЛАЕВА З.</b> Ўзбек мусиқа ижрочилигида болалар фольклорининг аҳамияти	42
<b>НУРМАТОВА М.А., РАХИМОВ А.Э.</b> Фольклорная музыка и изустно-профессиональное творчество	44
<b>АЛЛАЯРОВА Н. Н.</b> Оилада болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари асосида тарбиялаш методи	47
<b>MUXAMEDOV.T.DJ.</b> Xalq ogzaki ijodi bo'lgan folklor va uning xususiyatlari	50
<b>SAMIEVA M.</b> Buxoro musiqa folklorini tadqiq etish tarixidan	53
<b>SHAMSIYEV S.I</b> Folklor qo‘shiklarining lokal (maxalliy) ijro uslublari	56
<b>MURODOV M.B</b> O‘zbek folklorining janrlari xususida	58
<b>ODILOV A.I.</b> O‘zbek musiqa folklori haqida	60
<b>РАЖАБОВ Т.</b> Болалар фольклор кўшиқларини ўрганиш жараёнини такомиллаштириш юзасидан тажрибалар моҳияти	62
<b>РАХМАТУЛЛАЕВА G</b> Bolalar folklyor qo‘shiqlarini o‘rganishda milliy musiqiy ta‘limning o‘rni va ahamiyati	66
<b>SAMIYEVA M.</b> Buxoro musiqa folklorining tarixiy-nazariy va amaliy masalalari	69



*Muharrir:*

*G` Murodov*

*Texnik muharrir:*

*G. Samiyeva*

*Musahhah:*

*A. Qalandarov*

*Sahifalovchi:*

*M. Ortiqova*

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 03.11.2020. Bichimi 60x84. Kegli 14 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog`ozi. Bosma tobog`i 16,0. Adadi 100. Buyurtma №168.

Buxoro viloyat Matbuot va axborot boshqarmasi  
“Durdona” nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy.  
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.  
Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45